

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 338:330.3(575.1)

ШАЙМАРДАНОВА ДИНАРА МАРАЛБЕКОВНА

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**5A231102 – “Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари
буйича)” мутахассислиги бўйича**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.н. Ахрарова Д.А.

Тошкент – 2021

АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертациясида Жаҳон иқтисодиётини ривожланишида Жаҳон Савдо ташкилотининг ўрни ва аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикасини Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёнидаги иқтисодий оқибатлари таҳлили кўрсатиб берилган. Хусусан жаҳон савдо ташкилоти фаолиятининг назарий асослари, жаҳон савдо ташкилоти фаолияти ва ўзбекистон ташқи савдосининг замонавий тенденциялари, ўзбекистон ва Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳамкорлигининг иқтисодий самараси ва ривожланиш истикболлари, масалалари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида ташқи савдо самарадорлигини ошириш йўналишлари таҳлил қилинган.

ANNOTATION

The dissertation work describes the role and importance of the World Trade Organization in the development of the world economy and the analysis of the economic consequences of the accession of the Republic of Uzbekistan to the World Trade Organization. In particular, the theoretical foundations of the WTO, the activities of the WTO and the current trends in foreign trade of Uzbekistan, the economic impact and prospects of cooperation between Uzbekistan and the WTO were studied. The directions of increasing the efficiency of foreign trade in Uzbekistan's accession to the World Trade Organization were also analyzed.

Магистрлик диссертация иши “Жаҳон иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 2 - сонли баённома «19» 06 2021 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н. Ахрарова Д.А.

имзо

19.06.
сана

Магистр: Шаймарданова Д. М.

имзо

19.06
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси
муdiri доц. Н.С.Исмаилова
“19” 06 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил “22” 06 соат 14.00 да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I-БОБ: ЖАҲОН САВДОСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Тариф методлари ва улар қўлланилишининг иқтисодий тамойиллари.....	8
1.2 Жаҳон савдосини тартибга солишнинг нотариф методлари.....	15
1.3 Тариф ва савдо бўйича бош келишув ва ЖСТ фаолиятининг ривожланиш хусусиятлари.....	22
Биринчи боб бўйича хулоса.....	31
II-БОБ: ХАЛҚАРО САВДО РИВОЖЛАНИШИДА ЖСТ ИШТИРОКИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	33
2.1 Жаҳон савдоси ривожланишининг замонавий ҳолати таҳлили.....	33
2.2 ЖСТ нинг халқаро савдо бўйича меъёрий-ҳуқуқий позицияси таҳлили..	41
2.3 ЖСТ га аъзо бўлиш жараёнининг хориж тажрибаси.....	47
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	57
III-БОБ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ЖСТ ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	59
3.1 ЖСТ ҳамкорлигида савдо урушларини олдини олиш ва халқаро савдони ривожлантириш истиқболлари.....	59
3.2 Ўзбекистоннинг ЖСТ га аъзо бўлиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари.....	71
Учинчи боб бўйича хулоса.....	83
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив ривожланиб бориши ҳисобланади. Бу эса мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳи, алоҳида фирма ва корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши тобора чуқурлашуви билан изоҳланади. Ушбу ҳолат жаҳон бозорида, шунингдек, унинг турли сегментларида юзага келаётган конъюнктуравий ўзгаришлар ҳар қандай давлатни жаҳон бозорида фаоллашишга, бунда ташқи савдони тартибга солиш, назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш воситалари ҳамда дастакларидан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ унумли фойдаланишга ундамоқда.

Жаҳон хўжалигида давлатлар ташқи савдо алоқаларини қайтадан ташкил этиш, айрим тармоқ ва соҳаларда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш зарурати борлиги ҳам аён бўлмоқда. Натижада, кейинги йилларда глобалъ ва минтақавий даражада дунё ташқи савдосида янги йўналишларда силжишлар рўй бермоқда. Давлатларнинг ташқи савдо стратегияларида ҳам туб ўзгаришлар намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги "Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши бўйича кўп профилли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу қарорда "Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқланди ва Вазирлар Маҳкамасининг "Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш ҳақида" 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 30-сон, 344-модда) 28-илова ўз кучини йўқотди"¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги 1040-сон қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, январь 2019 йил.